

---

## “ЯНГИ АСР” КЎЧАСИГА ҲАМ ИЧИМЛИК СУВИ ТОРТИЛАДИ

Қува туманида 2019 йил давомида аҳолининг турмуш даражасини ошириш, уларнинг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида кўплаб қурилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Хусусан биргина Хонабод қишлоғида ўтган 2019 йил давомида 188 та якка тартибдаги уй-жойлар таъмирланди, 3,3 км ички йўллари асфальтлаштириш ва 3,5 км ички йўллари шағаллаштириш ишлари амалга оширилди. Худудда электр тармоғини яхшилаш мақсадида 1 та ТП ва 47 дона таянч устунлар ўрнатилиб, 1,4 км электр тармоқлари таъмирланди, 6,1 км электр тармоғи тортилиб, 86 та тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Шунингдек худуддаги аҳолининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида 2,0 км янги сув тармоғи тортилиб, 1 дона сув минораси таъмирланди ва 1 дона сув насоси ўрнатилди.

Бундан ташқари худуддаги 13-умумий ўрта таълим мактаби, 16-сонли мактабгача таълим муассасаси, Хонабод қишлоқ врачлик пункти бинолари жорий таъмирланиб, иситиш қозонхоналари ўрнатилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган 5 ташаббус доирасида худуддаги қаровсиз ҳолга келиб қолган қарийб 1,2 гектар майдонда 2 та сунъий қопламали футбол майдончаси, кутубхона, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида чевархона, хаммом, тиббий диагностика маркази, ёпиқ спорт зал ҳамда тўйхона, китоб дўкони, маиший хизмат ҳамда савдо дўконлари қуриш ишлари амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг 22 январ куни “Kun.uz” ижтимоий тармоғи ҳамда телеграм ижтимоий тармоқларида кенг муҳокамаларга сабаб бўлаётган “Фарғонанинг Янги асрида аёллар велосипедда сув ташиди” мавзусидаги мақола юзасидан туман ҳокими Равшанбек Курбонов бошчилигида масъул раҳбарлар Хонабод МФЙ аҳолиси билан учрашдилар.

Учрашув давомида туман ҳокими худудда амалга оширилаётган ишлар ва жорий йилда қилиниши режалаштирилган вазифалар ҳақида суҳбатлашди. Қишлоқ худудидаги бўш турган бино болалар боғчасига айлантириладиган йўл четлари ободонлаштирилиб ва кўкаламзорлаштирилиб 1,3 минг кв.м майдонга манзарали дарахтлар ва гуллар экиладиган бўлди. Мазкур ишлар шу заҳотиёқ бошлаб юборилди. Хонабод МФЙ худудидаги Билимдон, Эъзоз, Навоий ҳамда Мураббий кўчалари тўлиқ ичимлик суви билан таъминланганлиги ва жорий йилнинг биринчи чорагида “Янги аср” кўчасига ҳам ичимлик суви тармоғи тортилиш ишлари режалаштирилганлиги билдирилди.

Маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари туман ҳокимига бошқа масалаларда ҳам мурожаат қилдилар. “Янги аср” кўчасига ичимлик суви тармоғи тортилиши ишлари жамоатчилик назоратига олинди.

**Қува туман ҳокимлиги Ахборот хизмати**

2020-01-23 16:35:42